ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Комил Абдикаримович ҚАРШИЕВ
Мустақил изланувчи
Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон
komilqarshiyev07@gmail.com

Аннотация

Мақолада Жамол Камол шеъриятидаги услубий ўзига хослик, унинг жанр таркиби ва табиатидаги хусусиятлари қаламга олинган бўлиб, шоирнинг шеърият дунёсидаги услубий тароватлари ўрганилган. Олам ва одам муносабати турли мавзудаги шеърларида тасвир услуби жиҳатидан умумий бир маҳражга эга бўлиши тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: адабий тур, жанр, услуб, шеърий шакл, таржима, назария, фикр, қолип, ғоя, тасниф, анъана.

ОСОБЕННОСТИ ПОЭТИЧЕСКОГО СТИЛЯ ПОЭЗИИ ДЖАМАЛА КАМАЛЯ

Комил Абдикаримович КАРШИЕВ
Независимый исследователь
Самаркандский государственный университет
Самарканд, Узбекистан
komilqarshiyev07@gmail.com

Аннотация

В статье исследуются стилистические особенности поэзии Джамаля Камаля, ее жанровая структура и характерные особенности, исследуется стилистическое разнообразие поэта. Взаимоотношения между вселенной и человеком исследуются в его стихах на различные темы, которые имеют общий знаменатель с точки зрения образов.

Ключевые слова: литературный тип, жанр, стиль, поэтическая форма, перевод, теория, ритм, мысль, узор, идея, классификация, традиция.

Жамол Камол олам ва одамни англашда, уни ижодий идрок етишда, ўз ижоди уфқида бадиий бўёқлар билан рангин намоён этишида ҳаётга тўрт хил ракурсдан, яъни шоир, публицист, таржимон ва адабиётшунос олим нигоҳи билан қарайди, теран мушоҳада этади. Бу эса шоир шеъриятининг ғоявий

маркази ва индивидуал поэтик услуби такомилида озиқлантирувчи манба – илдиз вазифасини бажариб, муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётшунос Шавкат Ҳасанов таъкидлашича “Шоир поэтик услубига хос муҳим бир жиҳат – кўпгина шеърлари ибтидосида ҳаётий бир ҳодиса тасвирланади-да, ундан кучли умумлашма хулоса чиқарилади” [5; 110].

Кўл ётарди тоғларга туташ,
Мавжларига шамоллар шайдо.
Бир болакай – нигоҳи оташ,
Бўлди бир кун соҳилда пайдо.
Уфқларга талпинган зилол,
Кўзларига бўларкан пайваст,
Бир зум қолди ҳайрат ичра лол,
Ҳаяжонда лол қолди бир пас.

Англашиладики, беғубор қалб соҳиби – ёш бола нигоҳи билан оламда одамнинг борлигини тасвирлашда шоир дастлаб пейзажона тасвирдан фойдаланиб, мавжланиб турган борлиқни бадиий ифода этган, кейин эса болакайнинг ундан ҳайратланиши фонида оламнинг одамдаги таассуротини тасвирлаган. Бу худди халқ оғаки ижодида кўп учровчи синтактик параллелизмга ўхшайди.

Жамол Камолнинг шеърий куллиётини синчиклаб ўрганиш асносида жамики шеърларидаги поэтик тафаккур тартиботини, жанрларнинг тасвир кўламидаги туйғулар динамикасини, лирик қаҳрамон монологидаги кўп овозлиликни, диолог, суҳбат, тарихга мурожаатларни, шеърий шаклнинг ҳаракатчан структурасини, феноменларнинг ривожланиш қонуниятини, воқеликка фалсафий ёндашувни, объект сифатида драматик авж нуқталарнинг танланишини кузатиб, ҳукмрон етакчи руҳ – пафосни белгилашда унинг индивидуал услубидаги бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги муҳим жиҳатлар тадқиқ этилди:

1) романтик тасвир доирасида реалистик услубга эга бўлиш, романтизим методидаги лирик ҳолат, лирик лавҳа, лирик кечинмаларни реалистик назар билан кўриш, ёритиш, тасвирлаш тамойили:

1)Жамол Камол ижодидаги лирик ифоданинг реоромантик тасвири икки метод-романтизм ва реализмнинг бир-бирига кўчиб ўтиши ҳодисаси бўлиб, унинг асосида классик адабиётнинг замонавий шеъриятни бадиий озиқлантириши ётибди. Маълумки, аруз вазнидаги шеърларда романтик тасвир ва китобийлик устунлик қилса, бармоқ вазнидаги шеърларда реалистик тасвир ва халқоналик етакчилик қилади. Жамол Камол шеъриятида ҳар икки вазннинг мавжудлиги уларнинг бир-бирини бадиий суғориб, ўзига хос реоромантик услубнинг туғилишига туртки бўлган. Шоир шеъриятидаги мумтоз жанр ва шакллар: ғазал, рубоий, тарона, қитъа. қасида, маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мустазод, соқийнома, шунингдек, бармоқ вазнидаги шеърларида асосан мазкур услубий белги ўз ифодасини топган бўлиб, уларда илоҳий дарду ғам тасвири ердаги ташвишлар, оддий халқ вакилининг изтироб ва кечинмаларига вобасталикда акс эттирилган. Шунинг учун ҳам, романтизмга хос муболағали бадиий картиналар шоир шеъриятида шеърхон идрок оламидан ташқаридаги ўлчамларда – муболағанинг энг юқори пардасида деярли учрамайди. Учраса ҳам, улардаги муайян макон ва замон ҳаётийлик ва ҳаққонийлик белгиларини ўзида ташиган. Бу эса шоир шеъриятида романтизм хусусиятларини меъёрийлаштириб, барқарорлаштириб туради.

Солди шайдоликка жонимни ажаб шайдо ғазал,
Солмаса жонимга шайдолик, нечун пайдо ғазал?

Этди жонимга хуморим, оташ истарман, рафиқ.
Сипқорай жонимга оташдек неча паймо ғазал.

Ё гўзал саргаш этмиш, ё ғазал деб ўйламанг,
Ёр бошимга солди савдо, солди сўнг ғавғо ғазал.

Масти шайдолик билан боқсам фалакка кечалар,
Ярқирар бошимда юлдуз мисрали анво ғазал.

Тунда юлдуз ёшидек гулшанга тим-тим томди-ю,
Ёнди сўнг тонгларда жим-жим товланиб зебо ғазал

Дўстларим, Зуҳра ғазалга шоири Тоҳир керак,
Шоири Мажнун тилайдилар биргина Лайло ғазал,

Бор ривоят, мулки оламни муқаррар этди-ю,
Тузди сўнг ул арши аъло устида Олло(ҳ) ғазал.

Мен замона ўғлидирман, мен ғазалхон наслиман,
Менга ҳам гулбонги булбулдан келар дунё ғазал.

Гоҳи Машриқдан келар ул, гоҳи Мағрибдан равон,
Мағрибу Машриққа бирдек севгили жоно ғазал.

Ҳайф эмасму менга ёшлик, бу муҳаббат, бу олов,
Ёзмасам сармаст бўлиб, ошуфта, истиғно ғазал,

Мир Алишер хоки пойин кўзга суртарман, Жамол,
То ёзай деб кўз нурим бирлан гули раъно ғазал.... [3;260].

Ҳар қандай ижодкорнинг индивидуал поэтик услубини намоён етувчи восита унинг асарлар мажмуасидир. Денгиз қатрада акс этганидек биргина асарда ҳам услубни белгиловчи категориялар бўй кўрсатади. Юқоридаги ғазалда ҳам Жамол Камол ғазалиётидаги услубий хусусиятлар ўз ифодасини топган.

Рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун/ фоилотун/ фоилотун/ фоилун - v - - / - v - - / - v - - / - v -) вазнидаги ушбу ғазалнинг қофияланиши а – а, б – а, д – а, в – а шаклида бўлиб, *шайдо, пайдо, паймо, ғавғо, анво, Зебо, Лайло, Олло(ҳ), дунё, жоно, истиғно, раъно* каби туркий, арабий ва форсий калималарнинг ўзагидаги **о** унлиси равий – қофиядаги тиргак товуш вазифасини бажариб, муқайяд қофияни вужудга келтирган. Ҳар бир қофиядош сўздан сўнг *“ғазал”* сўзи содда радиф вазифасида қўлланилган. Кўринадики, шеърнинг мавзусида, вазнида, қофияланишида, радифида, талмеҳ (Зуҳро, Тоҳир, Мажнун, Лайло, Алишер), тазод (солди, солмаса), тарду акс (шайдоликка жон, жонимга шайдолик), таносуб (саргаш, савдо, ғавғо), тажоҳили орифона (Ё гўзал саргаш емиш), ташбеҳ (тунда юлдуз ёшидек), нидо (дўстларим ундалмаси) каби шеърий санъатларнинг қўлланилишида ва ғазал жанрининг поэтик қонуниятларида анъанавийлик тамомила сақланиб қолган, аммо тасвир тилида ва сўзларнинг маъновий тароватида китобийликдан халқоналикка силжиш, яъни мураккабликдан оддийликка интилиш мавжуд. Ғазалдаги *сармаст, анво, истиғно, сипқорай, гулбонг, ҳайф эмасму, мулки олам, бирлан* каби сўз ва изофали бирикмаларда аруэий оҳанг, китобий услуб таровати етакчилик қилса-да, улар шоир қалами қудрати билан ҳозирги замон шеъриятида “қайта тирилган” лисоний бирликлар саналади. Шунинг учун бу калималар романтик тасвирни реалистик қолипга яқинлаштириб ифодалашга хизмат қилган ва шоир шеърияти лексикасини бойитиб, ўзига хос бадиий безак вазифасини бажарган.

2) Бадиий қонун ва категорияларни аниқ ифодалаш, лўнда ифода ва хулосани семантик марказда акс эттирувчи сокин, анъанавий тасвир услубининг тамойиллари: Жамол Камол ижодининг поэтик услубидаги етакчи хусусиятлардан бири шуки, шоир ижодида шеъриятми, драматик асарми, лиро-эпик достонми ёки публицистик мақолами, хуллас, қайси адабий тур ёки жанрдаги асар бўлишидан қатъи назар жанрий меъзонларга, поэтик қонуниятларга қатъий риоя қилиш устунлик қилади. Уларда адабиёт

назариясига оид қонун-қоидалардан четга чиқиш, янги поэтик фигуралар асносида назарий оғиш ёки эврилиш деярли учрамайди. Классик адабиёт оламидан ижодий баҳрамандлик, мумтоз сиймолар (Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) ва замонавий шоир (Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов)ларнинг асарларига бўлган ижодий ошуфталик Жамол Камол ижодида сокин анъанавий тасвир усулининг асосий ўринда туришини таъминлаган ва шунинг таъсир натижаси ўлароқ модернистик талқин ва тасвир ўз такомилига эришмаган. Шунингдек, Жамол Камолнинг 1971 йили “Лирик шеъриятда композиция” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган”лиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидаги фаолияти ва икки томлик “Адабиёт назарияси” ҳамда икки жилдлик “Ўзбек адабий танқиди тарихи” китобларининг муаллифларидан бири эканлиги шоирнинг бадиий назарияларнинг билимдони эканлигини кўрсатади. Бу эса шоир ижодининг тасвир услуби шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Демак, Жамол Камол ижодида адабий тур, жанр, қофия, вазн, ритм, бадиий тасвир воситалари, лисоний структура ва тасвир услуби каби масалаларининг ижодий баркамоллик касб этиши ва тўлақонли шаклланишида унинг назариётчи олимлигининг ҳам бевосита таъсири бор, аммо бу шеъриятни, умуман ижодни назарияга бўйсундириш, фикрни, туйғулар туғёнини назарий қолиплаш дегани эмас. Зеро, бадиий ижодда мукаммал тасвир услубини намоён эта олган шоирлар адабиёт назариясига оид қарашларини ҳам адабиётшуносликка оид илмий асарларида баён қилган. Буни Алишер Навоийнинг “Меъзон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мухтасар”, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг “Илми ашъорнинг қоида авзони”, Абдурауф Фитратнинг “Аруз ҳақида”, “Адабиёт қоидалари”, Абдулла Ориповнинг “Эҳтиёж фарзанди” каби илмий рисолалари мисолида далиллашимиз мумкин. Хуллас, Жамол Камолнинг бадиий адабиётнинг назарий қонуниятлари билимдони эканлиги унинг

услуби тадрижи, эстетик тафаккури такомилида ўз функциясига эга ва бу шоирнинг таржимонлик фаолиятида ҳам услуб таровати ўлароқ бўй кўрсатган. Буни жаҳон эстетик тафаккурининг ўлмас дурдонаси, “В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, ўша кездан бошлаб то узоқ вақтларгача “француз эстетикасининг Қуръони” бўлиб қолган” [5;424] Никола Буалонинг “Шеърий санъат” асарини энг сўнгги рус тилидаги нашридан ўзбекчага Жамол Камол томонидан ўгирилиши асносида ҳам кўриш мумкин.

3) Замондош шоирлар ижодига уйғунлик тамойили. Мумтоз жанрдаги шеърларида классик шоирлардан бадиий озиқланиш билан бирга лирик хотимада хулосанинг очиқ ва лўнда ифодаланиши, фалсафий салмоқдорлик жиҳатидан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби замондошларига услубий эргашиш хусусиятлари ҳам мавжуд. Шунингдек, Жамол Камолнинг аруз ва бармоқ вазнида қалам тебрата олиш қобилиятида, воқебанд шеърий ҳикояларида ҳам Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодига уйғунлик мавжуд. Жумладан, Жамол Камолнинг “Она товуқ ва очкўз қарға ҳикояти” [3;154], “Дейдиларки, бир қишлоқда” [3;188], “Дейдиларки, бир шаҳарда” [3;190] каби шеърий ҳикояларидаги ҳажв, фожиа ва фалсафийлик бадиий тасвири нуқтаи назаридан Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган юқоридаги икки шоирнинг воқебанд лирикасига ҳамоҳангликда ёзилган.

Эркин Воҳидовнинг машҳур “Ўзбегим” қасидасидаги *“Мен буюк юрт ўғлидурман, Мен башар фарзандиман”* мисрасига вазн, оҳанг ва мазмун жиҳатидан эргашилиб, Жамол Камол “Ғазал” радифли ғазалида [3; 260] *“Мен замона ўғлидирман, Мен ғазалхон наслиман”* мисрасининг келтириши услубий муштаракликни кўрсатиб турибди. Негаки ҳар икки шоир (Эркин Воҳидов ва Жамол Камол)нинг мисралари бир хил вазнда, яъни рамали мусаммани маҳзуф (- v - - / - v - - / - v - - / - v – , фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ва мазмунан ўзлигидан фахрланиш мотивида битилган. Қолаверса, Еркин Воҳидов ижодидан бадиий баҳрамандлик Жамол Камолнинг “Нидо” [3;131] номли қуёшга, фалакка, дарёга, инсонга қилган

нидоларини ифода этган шеърида ҳам ўз аксини топган. Бу шеърда Жамол Камол Эркин Воҳидовнинг “Инсон” қасидасига вазн жиҳатидан эргашмайди, аммо *“Собит-у сайёра”* сўз қўшилмаси (*Собит-у сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг* – деса Эркин Воҳидов, *Собит-у сайёрага макон ҳам ўзинг* – дейди Жамол Камол)ни айнан такрорлайди, тазод санъати (қатра – уммон, фақир – султон)дан муштаракликда фойдаланади, “ўзинг” сўзини радиф қилиб олади:

Фақир ҳам ўзингсан, султон ҳам ўзинг,
Оламга эгалик сенга ярашар,
Ишқ билан йўғрилган иймон ҳам ўзинг,
Демакки, оқилсан, қодирсан, башар!
Лекин сен Ватанни тутиб бегона,
Четлаб юраверсанг, кўзларинг юмуқ,
Қанча фард бўлмагин, қанча фарзона,
Мен сени башар деб атамасман йўқ,
Мен фақат юрагим тўлдириб қонга:
Лаънат бўлсин дейман сендай инсонга [3;132].

Жамол Камол лирикасида хассос шоир Абдулла Орипов ижодига бўлган тасвир услубдаги муносабат икки хил усулда амалга оширилган:

а) Абдулла Орипов шеъриятида учрайдиган оригинал қолипдаги сўз, сўз қўшилмаси, бирикма ва изофали бирикмаларнинг ўхшашларидан вазн, оҳанг, ритм, ғоя ва фалсафий тасвирийликка мос ҳолда тузилган мисраларда фойдаланиш: бинобарин, Абдулла Ориповнинг элга машҳур “Дорбоз” шеъри қуйидаги мисралар билан бошланади:

Булутларга ёндош / осмон остида
Киприкдаги ёшдай/ турибди дорбоз.

Жамол Камолнинг “Ўзбекистон туни” шеърида юқоридаги мисраларнинг қолипига мос қуйидаги сатрлар учрайди:

Юлдузларга ёндош /расадхонага
Мағрур чиқиб борар /султон Улуғбек [3;60]

Ҳар икки шеър бир йилда – 1965 йилда ёзилган бўлиб, сўзлардан поэтик синтаксис қонунияти асосида фойдаланишда, тасвир услуби, вазни, оҳанги, ритми ва туроқланиш (6 + 5 = 11)ида ўзаро муштараклик мавжуд.

б) Замонавий шеъриятда анъанавий назира ёзиш: Масалан, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърига ғоявий, шаклан ва мазмунан уйғунликда Жамол Камол “Ягона муҳаббатим” шеърини ёзган.

Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърининг биринчи банди:

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зуҳра юлдуз милтираб, хира ҳанда отганда,
Руҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғонганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Жамол Камолнинг “Ягона муҳаббатим” шеърининг биринчи банди:

Йигит ёшим бўй чўзиб, қаддим расо бўлганда,
Жоним танимга сиғмай, орзуларга тўлганда,
Гул-чечаклар йўлимда ишва билан кулганда,
Солдинг юракка оташ , ягона муҳаббатим,
Тонг отарда юлдуздек афсона муҳаббатим [7;58].

Ҳар икки асар мухаммас шаклида ёзилган бўлиб, бандлар миқдори ҳам бир хил – олти банддан иборат. Ҳатто биринчи бандда -ганда сифатдоши билан боғланаётган учта эргаш гапнинг нақарот тарзидаги, ундалма билан мураккаблашган иккита бош гапга боғланишидаги синтактик фигуралари ҳам муштаракликка эга. Кўринадики, ушбу мухаммаслардаги мавзу, ғоя, вазн, ритм, оҳанг, ҳажм, лирик қаҳрамонни безовта қилган дард – фироқ, айрилиқ азоби бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун, Жомол Камолнинг “Ягона муҳаббатим” шеърини замонавий ўзбек шеъриятида мумтоз анъаналар асосида ёзилган назира мухаммас дейиш мумкин. Демак, ундаги бадиий тасвир усули Абдулла Ориповнинг ижодий поэтик услуби билан

вобасталикка эга. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоирлари: Абдулла Орипов ва Жамол Камол шеъриятида мавзу танлашдаги, дунёдаги сиёсий ҳолатларга фаол муносабат билдиришдаги ўзаро уйғун жиҳатлари ҳам мажуд. Буни Абдулла Ориповнинг “Тунислик бола” ва Жамол Камолнинг “Эй фаластинлик болам” шеърларида яққол сезиш мумкин.

4) Контраст тасвирийликнинг даражаланиш тамойили. Шоир шеърларида қарама-қарши икки қутбга қўйилган образларнинг тасвирийликдаги бадиий бўёқдорлиги сатрдан сатрга, банддан бандга ўтган сари кучайиб бориши ҳолатлари учрайди. “Аввал Ватан, кейин жон”, “Азалий савол”, “Шоир”, “Ўғрилар ва тўғрилар”, “Халқим” шеърлари контраст кечинма асосига қурилган. Масалан, Жамол Камолнинг “Халқим” номли маснавийсида ҳақ ва ҳақсизликни халққа уқтириш ғояси тасвирланган бўлиб, унда тазод санъати воситасида қарама-қарши қутбдаги образлар силсиласи байтлараро шундай келтирилганки, натижада шеърдаги ғоявий чақириқ ва ҳайқириқ байтдан байтга ўтган сари даражама-даража кучайиб боради:

Қочган ҳам, қувган ҳам ўзни ҳақ дейди,
Қочган ҳам, қувган ҳам нуқул халқ дейди.
Халқим, дер ўзини ўтга отганлар,
Халқим, дер юртини ёвга сотганлар ,
Халқим дер пишиқлар, балки ғўрлар ҳам,
Халқим, дер ўғрилар, порахўрлар ҳам.
Нотиқлар минбарлар узра ғоз туриб,
“Халқимнинг ҳукми – шу!” дейди ҳайқириб [4; 10].

5) Ижтимоий-сиёсий чақириқ, ҳайқириқ ва қарашлар мотивининг етакчилик хусусияти тамойили. Шоирнинг “Ўзбекистон айблидирму?”, “Ёнаётган дала”, “БМТга мактуб” каби шеъларида лирик қаҳрамон шоирнинг айнан ўзи бўлиб, уларда нафақат муайян халқ, балки бутун башариятнинг азалий муаммолари сиёсий мафкура негизи ўлароқ ўртага ташланган, ўзига хос чақириқ, даъват мотивини ўзида акс эттирган:

Жаноб Бош Секратар,
Менда таклиф бор:
Дунёда халқ йўқдир қусурдан холи,
Шуни иқрор этиб тарихда илк бор,
Тузилсин бир буюк мажлиси олий.

Дунёда халқ борким, каттадир-кичик,
Вакили қатнашган йиғин бўлсин бу.
Улар кўришсинлар бир-бирин қучиб,
Кейин айласинлар тавба, тазарру.

Қасамёд қилсинлар, то бундан кейин
Дунёда дахлсиз замон бўлсин деб.
Ҳар ким ўз ерига ўзи ҳўжайин,
Ҳар ким ўз уйида омон бўлсин деб ...[4;12].

Умуминсоний ғояга эга бўлган мазкур шеърда шоир “минг йиллик урушлар”, “қул этиб, қарам етиб, занжирга солишлар”дан зада бўлган, аслида ҳаммаси теппа-тенг башар аҳли бўлган, Хазрати Одамнинг фарзанди – инсониятни ҳамжиҳатликка, бирдамликка, ҳуқуқий тенгликка чақиради. Жаноб Бош Секратарга берилган бу таклиф жаҳон тарихида “мўтабар аҳднома”, “башар аҳлига бахтнома” бўлиб қолишини тилайди. Шоирнинг 2017 йилда ёзилган “Қардош қазоқ, қардошингни талама” шеъри Россиядан келаётган йўқсил халқнинг дард-ноласи сингари янграган:

Поезд ҳар гал тўхтаганда бекатда,
Чиқар емиш қозоқ божгир, миршаби.
Ўзбекларни талар эмиш, албатта,
Ақча эмиш, танга эмиш талаби [7;76].

Саккиз бандлик ушбу шеърнинг давомида лирик қаҳрамон “Қардош қозоқ” халқига мусофирнинг ўзга элда кўрган жабру жафоси, чеккан ситамлари етарли эканлигини уқтириб, яна унга жафо қилиб “Абай

айтган диёнат”ни бузмасликка чақиради ва қуйидагича сиёсий ҳайқирик билан лирик хотима ясайди:

Ярашади остонангда гул битса,
Давлатинг зўр, бойликларинг бир жаҳон.
Шу ярамас қилмишингни эшитса,
Нима дейди юрт эгаси Нурсултон? [7;77].

Жамол Камолнинг ижтимоий-сиёсий мотивга эга бўлган шеърларида ғоявий чақирик семантик марказда акс эттирилгани боис маънодорлик биринчи этапда, бадиий тасвир воситаларининг поэтик жозибадорлиги эса иккинчи этапга қўйиб ифода этилади. Шунинг учун ҳам, юқоридаги каби шеърларида ўқувчининг онг-шуурини поэтик жозибадорлик эмас, балки ғоя, мазмуннинг ўзиёқ жалб эта олади. Шоир Жамол Камолнинг ўз Ватани ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун жонкуярлигини ижтимоий лирикага оид шеърлари билан бирга ўткир публицистик мақолаларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, қайта қуриш сиёсати қораланган “Дунёнинг саволлари” [5;61], Москвага пули, Тошкентга тутуни тегадиган пайпоқ завод мисолида экологик муаммоларни ёритган “Чирчиқдан чиққан тутун” [5;123], 2010 йил Ўш ва Жалолободда бўлган ўзбеклар қирғини ва таҳқирига куюниб ёзган “Қирғизистон маданият арбоблари, қайдасиз?” [5;328] каби мақолалари шулар жумласидандир.

Хуллас, лирик кечинманинг ижтимоийлашуви, романтик тасвир усулида руҳий ҳолат, ифодавийликни реалистик методга яқинлаштириш, поэтик қонуниятларга изчил амал қилиш, мумтоз анъанавийлик билан бирга замондош шоирлар шеъриятидан ижодий баҳрамандлик, фалсафий ҳикматона донишмандлик, контраст тасвирнинг тадрижий даражаланиши, сўзлар такрорига асосланган тасвирийлик каби бир қатор хусусиятлар шоир Жамол Камолнинг поэтик оламидаги услубий қирралари саналади. Бу хусусиятларнинг шоир ижоди ривожида олим, шоир, мутаржим, публицист каби тўрт хислатнинг бир шахсда жамланиши ётади. Лирикада воқеа эмас, воқеликдан орттирилган кечинмалар дунёси тасвирланар экан, шоир Жамол

Камол бу кечинмаларни юқоридаги тўрт ғалвирдан ўтказиб, кейин қоғозга туширади. Бу жараёнда, сўзсиз, индивидуал услуб қирралари шакллана боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 559 б.

2. Йўлдошев Қ, Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак. 2016. – 461 б.

3.Камол Ж. Аср билан видолашув. I жилд.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 492 б.

4. Камол Ж. Ёнаётган дала. II жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 441 б.

5. Камол Ж. Абадият остонасида. III жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 461 б.

6. Камол Ж. Шеър санъати. IV жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 444 б.

7.Камол Ж. Анвармирзо хикоятлари. V жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 456 б

8. Камол Ж. Булбулнома. VI жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 477 б.

9. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 1973.

10. Хасанов Ш. Истедоднинг рангин жилолари //Шарқ юлдузи, 2019 йил №1. – Б. 9.